

МУҲАММАД ЮСУФ

НАЗМ ГУЛШАНИ

Кўнглимда бир ёр

Шеърлар

Тошкент
«Езувчи» нашриёти
1991

Юсуф М.

Кўнглимда бир ёр: Шеърлар.— Т.: Езувчи, 1991.— 32 б.

Муҳаммад Юсуфнинг шеърларида она Ҳорт меҳри, Болаликни соғиниш туйғуси, Ер дарди жўшиб туради. Шоир гоҳи «томда, қизгалдоқлар ёнида», гоҳи «ариқ бўйида, ялпизга суяниб» дунё ила мулоқотга киришади. Ўзбекона соддалиги, танглиги, самимияти билан ўзига ром этувчи бир ажиб ойдинлик тўкилиб турган бу сеҳр оламига бир бора дохил бўлган киши уни узоқ вақт унутолмайди.

Муҳтарам шеърхон!

Шоирнинг қўшиқ бўлиб кетган шеърларидан тартиб берилган ушбу мўъжаз тўнлам Сизинг-да кўнглингизга эзгу лаҳзалар бахш этади деб ишонамиз.

Юсуф М. Любимая в сердце моём: Стихи.

Уз 2

47026202 — 30

Ю—————без объявления 1991.

М 362 /04/

ISBN5-8255-0059-6

©Муҳаммад Юсуф, 1991 й.

БИР КЕЧА

Бир кеча бехосдан уйғониб кетсам,
Йиғлаб ўтирибди юрагим юм-юм.
Чўчиб турдим: сенга нима бўлди эркам,
Нимага йиғлайсан,
Мен нима қилдим?..

Ундай десам бўлмас,
Бундай десам кўнмас,
Чекдим. Чиқиб сокин ҳовлини кездим.
Ҳамма юлдуз сўнди. Бир юлдуз сўнмас —
Кўзимга мўлтираб турар илк севгим.

Юлдуздан ҳам олис о, сен, буюк ғам,
Бугун ўзинг йўқсан фақат ёнимда.
Ҳижрон куйин чалиб қон ўрнида ҳам
Армон айланади жони-таннимда.

Ўйлайман, ўйлайман, ўйларим узун,
Қўлим қисқа, севгим, бўйларим узун.
Энди сен мен учун энг узун эртақ,
Энди мени ёмон қийнар бу юрак!...

Чекаман. Тутунга тўлади хона,
Илк севгим мўралар тўрт бурчагиндан.
Мен далли, юрагим мендан девона,
Ётмайман деб йиғлар, партўшагингда.

МАКТУБ

Севгилим,
Севгилим,
Оғрийди дилим.
Жоним оғрийверар сизни ўйласам.
Гулдай юзингизни силар энди ким,
Мени эслармисиз-йўқми ўша дам...

Булутлар кўк кезар қунда пиёда,
Уфққа офтоб ботар қизил гулхандай.
Армоним экансиз ёруғ дунёда,
Сизни ўйламасдан яшарман қандай.

Кўнглим айвонида куз ҳуштак чалар,
Кўзимдан ёш бўлиб ёғади япроқ.
Дўстларим — такаббур шоирваччалар,
Ўзларин севишар ёридан кўпроқ.

Кунларнинг кафтида севги ханжари,
Бағримда бегуноҳ бир гул сўлади.
Тойчоққа айланиб гоҳ кечалари
Тупроқда ағанаб ётгим келади!.

Севгилим,
Севгилим,
Оғрийди дилим.
Жоним ёмон оғрир сизни ўйласам.
Сунбул сочингизни силар энди ким,
Мени эслайсизми-йўқми ўшал дам.
Билмайман.
Билишни истамайман ҳам.
Билганим — менга бахт насиб этмади.
Ииллар ўтаверди, кўзим ўнгидан
Сизнинг ойдек рухсорингиз кетмади.

Дунё омон бўлсин.
Сиз бўлинг омон.
Омадли бўлинг сиз.
Бахтли бўлинг сиз.
Лекин
Билиб қўйинг,
Билиб қўйинг, ҳамон
Сизни унутолмас Муҳаммадингиз!

* * *

Қарамайди қайрилиб бир бор —
Мен турибман остонада зор.
Ойни узиб берсанг ҳам менга,
Чиқмайман дер, ноз қилар дилдор.

Утинчларим беҳуда, зорим,
Илинжларим — ҳаммаси бекор.
Рашким келар, келади орим,
Чиқмайман дер, ноз қилар дилдор.

Тошойнага термилиб, лекин,
Ўзи ўсма тортиб қошига,
Дугонаси ёнида, тагин
Тушиб кетар булоқ бошига.

Жимман, бироқ узолмам кўзим,
Кимларгадир қиламан ҳавас.
Келишмаган йигитман ўзим,
Сочларим ҳам жингалак эмас...

АРМОН

Егаётган ёмғирми-қорми,
Қор остида қолган баҳорми,
Сенсиз дунё шунчалар торми,
Яна бўзлар бўлди юрагим.

Шамдай ёниб, шамдай ўчдимми,
Сарвинозим, Сендан кечдимми.
Энди сенга мен ҳам ҳеч кимми?
Яна бўзлар бўлди юрагим.

Егаётган ёмғирми-қорми,
Бир жонимга шунча озорми,
Бу дунёда дўстим ҳам борми,
Армонларга тўлди юрагим...

Бу ерларда нетарман энди,
Саҳроларга кетарман энди?
Сени куйлаб ўтарман энди,
Достонларга тўлди юрагим.

КЕЧИКИШ

— Кўкрак тўла орзую ташвиш,
Пайкалда ҳам ҳосилимиз мўл.
Яшайимиз бизлар ёзу қиш
Юмушлардан бўшамайди қўл.

Ношукурман нолисам, бироқ,
Ҳеч кимсадан камим йўқ ахир.
Фақат сени соғиниб гоҳ-гоҳ
Йиғлаб мени қон қилар кампир.

Тушунолмай қолдим, қандайдир
Тошмеҳрроқ чиқдинг ўзинг ҳам.
Бизни эслаб ҳар замонда бир
Хат ёзиб ҳам қўймайсан, бўтам.

Шаҳар ёқдан ким келса, бари
Тўтидек бир сўзни қайтарар:
Кўришмадик ўглингиз билан,
Келиб қолар, дейди зангарлар.

Яхши бўлди келганинг аммо,
Зап вақтида келдинг бу сафар,
Маҳаллада ялла авжида,
Айни тўйлар бошланган маҳал.

Мана кеча, оти нимайди
Салтанатнинг кенжа қизини,
Эсим қурсин, ёдда турмайди,
Бор эдию сочи узунни,
Биз куёвга узатдик шуни...

Тўйи тўкин ўтдию, лекин,
Куёвга қизгина тушгур,
Кўнгилисизроқ эканми, қайдам,
Кўп йиғлади, деб келди кампир.

Ким билади, балки шундайдир,
Янглишгандир балки кампирим.
Бари келин йиғлайди, ахир.
Йиғламасдан эрга теккан ким?

Бу гапларни қўя турай кел,
Бўталоғим, ўзингдан гапир.
Зилзилалар унут бўлиб, эл,
Шаҳар энди тинчиб қолгандир?

...Меҳр тўла нигоҳи билан
Бобом мендан жим кутар жавоб.
Билса экан, тушунса экан
Невараси не куйда шу тоб!

Билмайди, эҳ бобом билмайди,
Мен, мен ахир севардим уни.
Салтанатнинг, оти нимаиди,
Уша сочи узун қизини...

* * *

Мана шу мен туғилган гўша,
Уйга етдим — ариқ ҳатладим.
Шу ерлик бир қизга ёқай деб,
Узун-узун шеърлар ёдладим...
Ёдладиму айтолмай унга
Бағри дилим тўлди доғ билан.
Осмонларга термулиб ётдим
Томда, синглим қизғалоқ билан.
Осмон деганлари кенг экан,
Бўйи бўйим билан тенг экан.
Бу дунёда дардингиз бўлса,
Юлдузга бахтлиман денг экан...

Ҳамма юлдуз менга мўлтирар,
Ўлсам мени савол ўлдирар.
Айвондаги қалдирғочлардек
Улар тизилишиб ўлтирар.

Қаранг, қандай бахтли боламан!
Ўйларимда гуллар ухлайди.
Кўзларимда жаранглар кулгу,
Юрагимда... Йўлбарс... йиғлайди.

* * *

Севги бамисоли лолақизғалдоқ,
Тегинмай бўлмайди,
Тегсанг тўкилар.
Алвон бир гумбазнинг ўртаси оппоқ...
Буни бир мену бир капалак билар.

Мен ўша гумбазга бошимни суқдим —
Қизил кўйлакли бир қизгина кулар.
Бундай боқма менга, уқдингми?

Уқдим...

Буни бир мену бир капалак билар.

Сўнг у оққанотим учдию кетди,
Унинг умри-бир кун, чошгоҳда ўлар.
Момо Ер айланиб манзилга етди,
Буни бир мену бир чархпалак билар...

Севги бамисоли гарқ пишган шотут,
Тегинмай бўлмаиди,
Тегсанг тўкилар.
Севдингми, юз йил кут,
Севмасанг унут!
Бунисин бир мену бир малак билар.

У мени кутади юз йилдан сўнг ҳам.
Кўр бўлиб қолгунча йўлга термулар...
Севги — менинг барча дардимга малҳам,
Буни бир ўзиму бир юрак билар.

СЕВГИ БУ...

Севмоқ бу —
Кечирмоқ дегани асли,
Токи бу дунёда қуёш бор, гул бор.
Ялпизлар гуллаган шу баҳор фасли
Содиқ ҳамдам бўлгин сен менга, дилбар.

Ғийбатлар тингладим, айланди бошим,
Ҳўл тупроқ куйдирди товонларимни
Ва мана мен унга кўнглимдан юлқиб
Кўмдим беор дўстдек гумонларимни.

Ўйлар суравердим кечалар танҳо,
Гоҳо жиққа ёшга тўлганда кўзим.
Ва сени сеवмоқдан олдин бир куни
Дилдан севиб қолдим ўзимни ўзим...

Севмоқ бу-ўзингни англамоқ асли
Токи замин аро қуёш бор, гул бор.
Райҳонга кўмилган шу баҳор фасли,
Садоқатли ёр бўл сен менга, дилбар.

Севгилим, мен сени севаман, тамом,
Ғамгин кўзинг, ҳадик тўла кўзингни,
Севмоқ бу-кунда бир кўрмоқ бахтидир
Озгин қўлларингни, сепкил юзингни?..

* * *

Қалбнинг қизил гулхани сўнди,
Култепада қолмади бир чўғ,
Бу қиз билан ишим йўқ энди,
Бу қизнинг мен билан иши йўқ...

Энди менга икки дунё бир,
Сигмам на ер, на осмонига.
Томга чиқиб кетарман энди,
Мен ҳам қизғалдоқлар ёнига.

Ҳей, юлдузлар юртида чаман,
Булутман деб юрган тутунлар,
Кўксим ёниб кетмоқда ёмон,
Мендан нарироқдан ўтинглар!

Қалбда севги гулшани сўлди,
Қолди, фақат ловуллаган чўғ.
Бу қиз билан ишим йўқ энди,
Бу қизнинг мен билан иши йўқ...

Кел юрагим, бағримни ўйиб,
Севгимни сувларга отамиз.
Майсаларга бошимиз қўйиб,
Капалак ёпиниб ётамиз.

ОНА

Уч кун туролмайсиз менинг уйимда.
Гўё кўкдан тушган каби фаришта,
Бор-йўқ жиҳозимни қилиб саришта,
Кетасиз-да яна келган кийимда...

Яна кучоғимга отилар шеърим,
Мен уни мақтарман, у мақтар мени,

Мен йўқлай олмайман, сен ахтар мени,
Туғишганлариму туғилган ерим!...

Китобларим чиқар жилдлари юпқа,
Кўйлак олсам дейман сизга гоҳида,
Қолдираман қишга, кузга гоҳида,
Кейин қизларга гул қиламан туҳфа.

Ойнаи жаҳондан салом бераман,
Тилла тишларимни кўрсатиб кулиб,
Шунда хўрсинарсиз менга тикилиб,
Балки, йиғларсиз, мен қайдан кўраман?..

Мен сўз қидираман, сўз менга қаллиқ,
Набиралар кирар тушларингизга,
Ўстирасиз тишлаб тишларингизда,
Дунёда бор сулув қиз — менга қаллиқ.

Онажон, кетаман, сиз энди келманг,
Менсиз ҳам шоирдан безор бу шаҳар.
Секин ёнингизга чўкиб бир саҳар
Дардингиз сўрмасам, боламсан деманг!..

Уч кун туролмайсиз менинг уйимда,
Кўкдан тушиб келган каби фаришта,
Бор-йўқ жиҳозимни қилиб саришта,
Кетасиз-да яна келган кийимда.

ТУРКМАН ҚИЗ

Айланаман, Шарқни кезиб айланаман,
Иболи бир ёр тополмай ўйланаман,
Ўз юртимнинг сулувлари тил уқмаса,
Узун кўйлак туркман қизга ўйланаман...

Кўзим тушса юзлари лов-лов ёнади,
Елкасида қирқта чаман товланади,
Кесилмаган кокиллари тўлғонади.
Узун кўйлак туркман қизга ўйланаман.

У элининг урфларини қилмайди хор,
Бешиги ҳеч алласига бўлмайди зор,
Қошида момоси қўйган ўсмаси бор,
Узун кўйлак туркман қизга ўйланаман.

У ажралиб турар турфа гул ичида,
Офтоб чиқиб, офтоб ботар кулгичида,
Ўз тилида гапирмайди тил учида,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман...

Бир хил либос киймиш, кўрдим, нечалари,
Ойбалдоғи ёниб турар кечалари,
Яшнаб кетар юрса Тошкент кўчалари,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман.

Гўшангага кирганимда ёрга етиб,
Менга ўлан сўйлаб берар ёдлар этиб,
Боболарим руҳларини шодлар этиб,
Узун кўйлак туркман қизга уйланаман!..

МЕХР ҚОЛУР

Ўтар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар-кўзёши самонинг,
Ўтар инсон яхши-ёмони.
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Қорачуғда порлаган ўша,
Иқболига чорлаган ўша,
Дунёни тор айлаган ўша
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Анор сенинг юзларинг, сулув,
Хумор сенинг кўзларинг, сулув,
Ёдда қолмас сўзларинг, сулув,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тоҳир,
Зухро йиглаб қолди қон бағир.
Келганда ҳам қиёмат охир,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Нима дейсан, эй, ғаюр инсон?
Ғийбатларинг қилди мени қон.
Сен ҳам бир кун ўтурсан, инон,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур!

БИР ҚИЗ ЙИҒЛАР

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,
Маъюс мажнунтоллар қошида,
Кўнгил оқи кўзин ёшида:
Бевафо кўп экан дунёда...

Нигоҳида офтоблари бор,
Нолишларин жавоблари бор.
Сўнган севги азоблари бор,
Бевафо кўп экан дунёда...

Товонига тушган кокиллар,
Қизгинага қўшилиб йиғлар,
Бир сўз дилга санчади тиглар —
Бевафо кўп экан дунёда...

Дилдан кўчиб кетса ҳаёлар,
Емонга йўқ экан жазолар,
Елгон дунё экан дунёлар,
Бевафо кўп экан дунёда...

Эрмак экан энди Лайлолар,
Мажнун ғариб кезган саҳролар,
Эртак экан Тоҳир-зуҳролар,
Бевафо кўп экан дунёда.

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,
Маъюс мажнунтоллар қошида.
Кўнгил зори кўзин ёшида:
Бевафо кўп экан дунёда.

Қўй йиғлама, менинг жон синглим,
Мен ҳам сендек бағри қон, синглим,
Менга ҳам йўқ меҳрибон, синглим,
Бевафо кўп экан дунёда,
Муҳаббат йўқ экан дунёда!

РАЙҲОН

Н.га

Райҳон, айланай райҳонингдан сенинг,
Ойқабоқ гўзалим, жонингдан сенинг.
Кулиб кўкларингдан тушмайсан, қара,
Ой ўтса уялар ёнингдан сенинг.

Етти иқлим аро етсаки изинг,
Тупроққа тўкилгай тутдай хуш исинг.
Гулга тегса гулхан пайдо қиладур,
Сувга тегса сувни ёндирар юзинг.

Ҳурлардан ҳур ўзинг, хуршиди тобон,
Ўзинг Райҳонсану вужудинг райҳон.
Бу ёруғ дунёда сендан сулув йўқ,
Мендан бечора йўқ, мендан нотавон.

Сен арши аълода жаннатий чашма,
Мен ерда ёнаман томчингга ташна.
Кўкларга қўлини тутган қулингман,
Зилолим, уволим тутгай, адашма...

Райҳон, айланай райҳонингдан сенинг
Ой ўтса уялар ёнингдан сенинг.
Кулиб кўкларингдан тушмайсан сен-да,
Менга-да жой йўқ осмонингдан сенинг.

КўНГЛИМДАГИ ЕР

Муҳаббат боғига кирмадим бир бор,
Суйиб бир гулга қўл урмадим бир бор.
Энди тунлар йиғлар менга қўшилиб
Қўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр.

Бири бировига ўхшамас, ё раб,
Қўзимнинг ёшлари тўхтамас, ё раб.
Қуярман бир унга, бир бунга қараб...
Қўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр.

Бирин эркалайман дудоғим билан,
Бирисин эркалаб нигоҳим билан,

Яшарман савобу гуноҳим билан,
Қўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр.

Бирин ҳур дейинми, бирин гулойим,
Суймаганим суйганимдан мулойим,
Бу қандай кўргилик экан худойим,
Қўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр...

Муҳаббат боғига кирмадим бир бор,
Суйиб бир гулга қўл урмадим бир бор,
Куйсам куяр энди менга қўшилиб
Қўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр.

Дарёман, иккита қирғоқда кўзим,
Товонимда бўзим, томоқда бўзим,
Икки ўт ичида қийноқда ўзим,
Қўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр!

МЕНИНГ СЕВГИМ!..

Менинг севгим, мен билмадим, менинг севгим,
Кўзинг шаҳломиди сенинг, хумормиди,
Эртақдаги Лайли сендай дилдормиди,
Ай, юзингни бир кўрмадим менинг севгим...

Гоҳ гул бўлиб яшнади дил, гоҳ сўлди дил,
Гоҳ йиғлатиб, гоҳи ўзи қон бўлди дил,
Томоғимда чирқираган жон бўлди дил,
Ай, юзингни бир кўрмадим менинг севгим.

Сен қуш бўлиб учдинг-кетдинг, тутолмадим,
Оҳу бўлиб қочдинг, қувиб етолмадим,
Бир бор кўриб бир ширин сўз айтолмадим,
Ай, юзингни бир кўрмадим менинг севгим.

Жаннат гулим лабларидан лаззат сўрдим,
Омад гулин юзларида чиммат кўрдим,
Шоир бўлдим, шоҳлардан кўп иззат кўрдим!..
Ай, юзингни бир кўрмадим менинг севгим.

Сени фақат олислардан аллаладим,
Эркаласам — хаёлимда эркаладим,
Сочларингни тушларимда сийпаладим,
Ай, юзингни бир кўрмадим менинг севгим.

Қош оқарди юракдаги шу бир чўғ деб,
Армондаги, тилакдаги шу бир чўғ деб,
Юрагим қон йиғлар бўлди севги йўқ деб,
Ай, юзингни бир кўрмадим менинг севгим...

Ана, ажаб, остонамда турар бўйлаб,
Фаришталар чорлар мени ўлан сўйлаб,
Жаннатларда зерикарман сени ўйлаб!..
Ай, юзингни бир кўрмадим менинг севгим.

АРМОН

Фарзанд доғи куйдиради куйган сари,
Кўз ўнгингдан кетмай сира дийдалари.
Оназорин тилаб олган болалари —
Афғон қирларида қолган баҳодирлар...

Алвон-алвон гуллар ёғар адирларга,
Қўл етмайди сизлар ётган қабрларга,
Олисларда йўлдош бўлиб Бобурларга,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Жалолиддин қони жўшди қонингизда,
Умид узмай узилмаган жонингиздан,
Навийдек зотлар ётар ёнингизда,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар...

Игит бўлиб, яйрабгина юрмай кетган,
Бир қиз бармоғига бармоқ урмай кетган,
Туғилган боласин бўйин кўрмай кетган,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Хазон босиб кун кўрмаган ғуссаларим,
Пахтазордан чиққан озғин жуссаларим,
Уволгина кетган мўмин Мирзоларим,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Кимга керак бўлди, кимга керак бўлди,
Сиз ўлдингиз, кимнинг бўйи терак бўлди?..
Бу дунёда ўлим ҳам бир эрмак бўлди,
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Қон дилимдан шаънингизга шеър тиладим,
Дунё мендан, мен дунёдан ўпкаладим,
Туғишгандан азиз менинг укаларим —
Афғон қирларида қолган баҳодирлар!..

ИЎҚЛОВ

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Айтсам адо бўлмас армонларинг бор.
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Бағримни ўртар бир танбур навоси,
Шуми шоирингга элнинг вафоси?..
Тошларнинг остидан келиб садоси,
Ҳамзанг ётган Шоҳимардонларинг бор...

Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор,
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор
Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор.

Қўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни,
Қайинларга айтиб «Қарокўзим»ни,
Сибирларда қолган Усмонларинг бор.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар —
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор...

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,
Сенинг фарёдларинг — менинг фигоним,
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор.

ЭРКА КИЙИК

Эрка кийик, майлими бир эркаласам,
Мажнун бўлиб саҳроларга еталасам,
Бу дунёда бирдай ғариб мен ҳам, сен ҳам,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Сенинг кўзинг қора, менинг кўзим қора,
Сенинг бағринг яра, менинг бағрим яра,
Бу дунёда сен бечора, мен бечора!..
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Шамол эмас, изинг қувиб юрди камон,
Сайёд менинг кулбамни ҳам қилди вайрон,
Сенинг жонинг, менинг жоним — омонат жон,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Кел, йиғлаймиз биргалашиб янтоқларга,
Саҳроларда қуримаган булоқларга,
Иккаламиз яралганмиз қийноқларга,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам.

Умримизнинг барча йўли, сўқмоғи чўғ,
Чўғдан қўрқма, беюз қўйган қопқондан қўрқ,
Бу дунёда сенга дўст йўқ, менга дўст йўқ,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Соч оқарди, дилдош кутиб кўзим толди,
Юрагимдан тўкилмай не сўзим қолди,
Йўл сўнгида, ҳеч бўлмаса ўлим олди,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

САМАРҚАНД

Самарқандга борсам мен агар,
Улуғбекни бир кўриб қайтаман.
У қон йиғлаб турар ҳар сафар:
Мен дардимни кимга айтаман?..

Бағримда бўй етган бўз болам,
Мерган болам, лочинкўз болам,
Бўғзимга тиғ урган ўз болам..
Мен дардимни кимга айтаман.

Сезмай қолдим. Ушанда чоғим,
Юлдузларда экан нигоҳим.
Билмадим не эди гуноҳим..
Мен дардимни кимга айтаман.

Қанча гамга ботмаган эдим,
Қанча оғу ютмаган эдим.

Ўз боламдан кутмаган эдим...
Мен дардимни кимга айтаман?

Таним музлаб гоҳ тош қотаман,
Мен шоҳ эмас ахир, отаман.
Гўримда ҳам ўйлаб ётаман,
Мен дардимни кимга айтаман?..

Самарқандга борсам мен агар,
Улуғбекни бир кўрмай келмайман.
У менга қон йиғлар ҳар сафар,
Мен кимга айтишни билмайман!

ОНАИЗОР

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам,
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам,
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Сизмай қолсам шундай кенг бу жаҳона,
Осмонларга руҳим бўлса равона,
Жонсиз таним устида ҳам парвона,
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Тинар бўлса қўлимдаги тор, дунё,
Уч кун ўтмай унутгай дўст-ёр, дунё.
Еру кўкни титратиб зор-зор, дунё,
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Гулдай кулиб юрмасмиди ўғлим деб,
Кўриб кўнглим тўлмасмиди, ўғлим деб,
Онанг ўлса бўлмасмиди, ўғлим, деб,
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,
Қолар бўлсам ахир бир кун тилдан ҳам,
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам —
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

БИР КУНИ

Бир куни,
Бир алвон
Замон келади,
Замин узра
Омон-омон бўлади.

Ун йилми,
Юз йилми ўтиб орадан,
Урушлар,
Низолар кетиб орадан,
Тўплар
Адирларда бугдой ўради,
Танклар
Далаларда пахта теради.

Миллатлар,
Элатлар,
Оқ тан, қора тан,
Ҳаммаси
Ҳазрати инсон бўлади.

Олам гулистон бўлади
Бир кун...

— Шоирлар-чи, бобо.
Шоирлар нима бўлади?
— Шоирларнинг шодликдан
Юраклари ёрилиб ўлади!

АНДИЖОН

Қани, Боғишамол, кезган елларинг,
Қирларда кеккайган қирғовулларинг,
Эслаб эзилмасму энди дилларинг,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?..

Минг йиллик чинорлар бўлди-ку ўтин,
Қошу қабоғингга тўлди-ку, тутун,
Сойингда қолдими сувинг бир ютум?
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Ризқу рўзин сочиб айланар фалак,
Сен эса далангдан тополмай ҳалак,
Болангга бергали битта ҳандалак,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Наҳорингда пахта, шомингда пахта,
Айвонингда пахта, томингда пахта.
Оқар оғу бўлиб қонингда пахта,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Қирқ йил чорла, гўрдан чиқмайди Бобур,
Чиқса ҳам бағрингга сиғмайди Бобур,
Ҳинду қучоғида ухлайди Бобур,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?

Қайинзор қаъридан узилди бир ўк,
Юракда доғ қолди, юракда бир чўғ,
Чўлпонинг бор эди, Чўлпон энди йўқ.
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?..

Булбулзабонларинг хазон ёпдим,
Дунё уларнинг ҳеч тенгин топдим,
Муҳаммад Юсуфинг шоир бўптими?!
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон.

СИНГЛИМГА МАКТУБ

Қачон хат ёзгандим сенга, билмайман,
Қофия билан банд бугун тош кўнглим,
Елғиз аканг бўлиб,
Енингда юрмайман...
Кечир мени, синглим.
Кечир мени, синглим.

У ёқда шотутлар
Тўкилар сувга.
Қовунлар ёрилар,
Сен йўл қарайсан.
Тупроқ кўчаларда,
Муштоқ кечаларда,
Ез — мени соғиниб сарғайган майса.

Умримни юлқилаб
Йилларим ўтар,

Юрак йиғлайдию,
Айтмас дардини.
Мен шеърим қўлтиқлаб,
Кун бўйи излайман
Адабий ходимнинг битта мардини.

Бирига қандайдир туроқлар дастак,
Бирин ўйлантирар ҳали ёшлигим:
Нега бу шеърингиз отлар ҳақида,
Уларни ёқтирмас, менинг бошлигим!..

Гоҳ тўлиб кетаман,
Қандай гап ахир,
Қўйгил мени дейман эй, ширин азоб.
Қуёшга термулай,
Ерга босай бағир,
Қўшиқлар куйлашга бошқа одам топ...

Яна қайсар руҳим
Жонимни чўқир,
Ез дейди,
Сингилжон, қўрқай нимадан?..
Энг гўзал шеър —
Сенинг ёрилган қўлинг,
Ҳамма бошлиқларнинг
Бошлиғи — Ватан!..

Қайдан келди менга бу дард,
Билмайман.
Юрак йиғлайдию,
Айтмас арзини.
Шеъримни қўлтиқлаб,
Кун бўйи излайман
Адабий ходимнинг битта мардини,

Бирига қандайдир туроқлар дастак,
Бирин ўйлантирар индамаслигим:
Нега бу шеърингиз ҳижрон ҳақида,
Қайғуни ёқтирмас, дейди бошлигим.

Кейин яна шотут тўкилар сувга,
Беҳилар ҳидига тўлади хонам.
Айвонда,
хирмонда

Анжон томонда

Куз — мени соғиниб сарғайган онам —
йиғлайди,
бу йил ҳам
келмади, болам...

Қачон хат ёзгандим сенга,
Билмадим.
Қофия билан банд менинг тош кўнглим.
Ёлғиз аканг бўлиб,
Ёнингда юрмадим...
Кечир мени, синглим,
Кечир мени, синглим.

ТУРҒУНЛИК

Хатто кеч кузда ҳам тугади кўсак
Серҳосил Ўзбекистон далалари.
Далага чиқишар кўтариб этак
Биринчи синф болалари...

Зўр кедса гўдак ҳам бирлашур,
Катталар билан тенг беллашур,
Бўйи гўзадан паст, чиллашир
Биринчи синф болалари.

Совуқ дейсизми?
Ҳа, қаҳратон!
Қўлчалар-қўйинда қотган нон,
Аммо нима қилсин, пахта-шон,
Биринчи синф болалари.

Бари жимжималар — қоғозда,
«Зангори кема»лар — қоғозда,
Пахта теришади аёзда
Биринчи синф болалари.

Пахта терар йиғлаб бахти кулганлар,
Омади кулганлар, аҳди кулганлар,
Подшо боболарин Қаҳрамон қилганлар —
Биринчи синф болалари...

Фақат бир илтимос, муаллимлари
Гоҳо бурнин артиб турса бўлгани.

Иштонин кўтариб қўйишса бас, шу —
Пахта планининг тўлгани!

* * *

Сен пахта терардинг етти букилиб,
Пайкалингда эдинг эй, онажоним.
Ўзбекмисиз, дея ғалати кулиб,
Мендан сўраб қолди бир танноз хоним.

Таннозлар билан не ишим бор.
Е раб,
Аммо тушундим бу ишорасига.
Қаршимда турарди — у эрмакталаб,
Малика боққандек фуқаросига...

Мана, газеталар чиқди қўйиндан,
Ҳаммаси ўзича қилади талқин.
Тиллолар топилган эмиш уйингдан,
Олтинга кўмилиб қолибсан, халқим!

Сен нега Қримга бормаيسان ёзда,
Ёки сен отангинг ўгай ўғлисан?
Сўкса индамайсан, қўйми-тўқлисан,
Урса йиғламайсан, демак-ўғрисан!

Саҳардан шомгача мўлтираб, кўзинг
Кўрмай қолгунича чопдинг далангни.
Ўғирлик қилмасанг, айт ахир ўзинг,
Қандай боқаяпсан шунча болангни?..

Хоним нигоҳидан уққанларим бу,
Кўнглимдан кечганин билиб турарди.
Мана юзида ясама қайғу
Ўзбекмисан, дея кулиб турарди...

Бир боплай дедиму тилимни тийдим.
Майли, одам қуриб шунга сўз дейми?
Ўзбекни ер танир,
Осмон танийди,
Таннозлар қаёқдан билсин ўзбекни!

ТАРАҚҲИЕТ

Аёллар, пайкалдан кўтармань бошни,
Фақат меҳнат қилинг, йиллар кутмайди.
Шийпонларда кутиб-кузатинг қуёшни,
Келажак авлодлар бизни унутмайди!..

Биз шундай бутифослар топамиз ҳали,
Пахтамизни йиллаб терсак битмайди.
Хирмонлар осмонга тегар юксалиб,
Келажак авлодлар бизни унутмайди.*

Эркаклар, эртақлар ўқинг, ов қилинг,
Сўқмоқларда сўнгги жайронлар титрайди.
Сўнгги йўлбарсларнинг терисин шилинг,
Келажак авлодлар бизни унутмайди.

Оғулар топамиз, чувалчанглар илиб,
Ҳеч ким қармоқларда балиқ тутмайди.
Дельфинлар соҳилда ётади чўзилиб,
Келажак авлодлар бизни унутмайди...

Шеърлар дунёга танитиб элин,
Мукофотлар билан бир-бирин қутлайди.
Навой бобосин тушунмай тилин,
Келажак авлодлар бизни унутмайди!..

Буни тараққиёт дерлар. Биз ўсдик,
Ўсавердик, ҳеч ким инкор этмайди.
Тоғларни қўпориб, дарёларни тўсдик,
Келажак авлодлар бизни унутмайди.

Шеърим — қароғимдан оққан ёшларим,
Англармисиз уни, ҳеч кўзим етмайди...
Баракалла сизга, замондошларим,
Келажак авлодлар бизни унутмайди!

* * *

Меҳрим қаттиқ бўлди,
Қаҳрим қаттиқ бўлди,
Насиҳатни эса олмадим.

Ҳарифим суюнди, дўстим куюнди,
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Осойиш ботмади бирор бир куним,
Талашиб-тортишиб толмадим.
«Оғирроқ бўл иним, сипороқ бўл иним...»
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Тенгимни билмасдан бир қизни суйдим,
Суйдим сира кулмай омадим.
«Шоҳона яшардик сўзимга кирса...»
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Қувроқ бўл дейишди, ёлгон ҳам керак,
Жиндек хушомад ҳам...
қулоқ солмадим.

Оқни оппоқ кўрдим, қорани қора,
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,
Дўстларим... дўстларим, бахтли боламан.
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида
Ялпизга, суяниб ўлиб қоламан!

ТЎН ҲАҚИДА ШЕЪР

*«Водиллик полвон Турсунали Мама-
жонов ҳамиша оқ ятак билан тўн кий-
иб юради. Бир кун унга муаллими:
«Илтимос, дарсларга тўн кийиб кел-
манг, ҳар ҳолда сиз институтда ўқий-
сиз», деган экан.*

Ўзбекнинг тўнининг энглари узун,
Ўзбекнинг тўнининг энглари узун.
Ёнги узун кўйлак кийманглар, қизлар,
Маданият даргоҳида ўқисангизлар...

Тили узун бўлсин инсон деганнинг,
Эътиқод деганнинг, имон деганнинг.
Қошга ўсма қўйманг, қўйманглар, қизлар,
Маданият даргоҳида ўқисангизлар.
Иякдан кўзгача суринглар упу,
Қулоқ тагига ҳам уринглар упу.

Европачасига бўялсин юзлар,
Маданият даргоҳида ўқисангизлар.

Сизга ҳам гапим бор, аҳли эркаклар,
Дўппи киймай юринг, кийманг телпаклар.
Ўйин бўлар сизга, шляпасизлар,
Маданият даргоҳида ўқисангизлар.

Турсунали полвон, Лочин полвонлар,
Сизни кутар бунда минг имтиҳонлар,
Муаллим гапини қонун денг сизлар,
Маданият даргоҳида ўқисангизлар..

Бу шеърим шунчаки ёзилгани йўқ,
Ёзилса ҳам ҳали босилгани йўқ,
Тўнимизга кимлар осилгани йўқ,
Маданият даргоҳида ўқисак бизлар!

КИНОГА КИРМАЙМАН

Билет топилмайди «Ўтган кунлар»га,
Қизлар қайтиб келар кўзёш қилишиб.
Хайр уйқу дейман, менда йўқ ором,
Муқовасиз китобимга мук тушиб.

Ногоҳ музыкалар тинган ётоқда
Китобим кирмаган хона қолмаган.
Ҳеч ким уни мендек ўқимаган лекин,
Ҳеч ким уни мендек ўқий олмаган.

Кўзимни юмаман кулгичлари яйраб
Кумуш боласига рўмолча тўқир.
Кейин ичкаридан, минг йил наридан,
Зайнабнинг нигоҳи жонимни чўқир.

Шундай оқшом ботар, шундай тонг отар,
Китобим ўқийман-сатри муқаддас.
Менга ёқмас экрандаги Отабек,
У бошқа. У бошқа, мен билган эмас!..

Билет топилмайди «Ўтган кунлар»га,
Мен эса кирмайман бекорга ҳам ҳатто.
Майли қарсак чалай истеъдод учун,
Лекин санъат — санъат, ҳаёт-хаётда.

Кўзимни юмаман, кулгичлари яйраб
Кумуш боласига рўмолча тўқир.
Кейин ичкаридан, минг йил наридан,
Зайнабнинг нигоҳи жонимни чўқир.

Сарғайган саҳифага қўйиб бошини
Кумуш кулиб ётар тирикдек худди.
Тур энди опажон, тур энди опа,
Отабегинг сени унитди?..

Билет топилмайди «Утган кунлар»га,
Мен кирмайман. Кирсам кўнглим тўлмайди.
Китобим ўқийман,
Ўзим тўқийман,
Кинога ҳеч нарса қўшиб бўлмайди.

ДАРЕ

Баҳодирга

Дарё қўйган эдим болам исмини,
У дарёга чўкиб кетди бир куни...
Аждар бўлиб сувлар ютди жисмини,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Билганимда қўймасдим ҳеч елкамдан,
Товончаси энди ерга текканда —
Сойнинг тоши болиш бўлди эркамга,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Қўлчаларин силкитиб у бемажол,
Йиғлаб-йиғлаб оқиб кетди эҳтимол,
Қирғоққа зор боқиб кетди эҳтимол,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Қонхўр дарё қаро қилди кундузим,
Кўзим нури ўша эди, ёлғизим,
Бу дунёда қолмади энди изим,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

От қўйганда нечун кўнглин сезмади,
Исми билан экан инсон қисмати!..
Ўз болам-ку ўз бағримда ўсмади,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Ўғлим десам ўртанади вужудим,
Сувни кўрсам сесканади вужудим
Қум остида қолди менинг умидим,
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Дарё қўйган эдим болам исмини...

ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Ҳайвонот богида жайронни кўрдим,
Тутқунликда дили вайронни кўрдим.

Кўрдим, қуруқ шохда сайрар тўтилар,
Ийғламсираб товуш қайрар тўтилар.

Товусларнинг пати товланиб ётар,
Чикмаган қуёшга товланиб ётар.

Қанотдан айрилиб, қилар пардозлар,
Осмонига энди учолмас ғозлар.

Қояни харсангга алишган лочин,

Зоти айниган ё чалишган лочин.

Бургутларнинг боши эгилган ерга,
Булбулларнинг ёши тўкилган ерга.

Какликнинг тўши қон, тумшуқлари қон,
Арслонларнинг маъюс кўзлари — дoston...

Бу дунё аслида ҳайвонот боғи,
Муштоқ — зорлик экан бошдан оёғи.

Бир-бир барин санаб нетарман, бас-да,
Неки гўзал бўлса — бари қафасда!..

* * *

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёгилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:
Яшаш керак, севиш шарт эмас.

Садоқатми?
Кимга керак у?..
Беҳудадир кўз ёшнинг сели.
Юлдуз бўлиб ёгилди бир сас:
У бегона. У энди келин...

Тўй — бу асли баджаҳл ота,
Бахтли бўлсин қизим дегани.
Уни сенга бермасман, бўтам,
Тирик экан кўзим дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Қонимда бир ғашлик ўрмалар.
Мен оловга отарман энди,
Юрагимни қийма-қиймалаб...

Еқа ушлаб қолсин кўрганлар,
Оловларга отгум уни, бас.
Ениб кетсин чирсиллаб қалбим,
Севиш керак... яшаш шарт эмас.

ЖАЙРОН

Қон йиғлатди қайси бағритош,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?
Аёғингга қўйиб ётай бош,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Юрак қонинг тўкилган сўқмоқ
Бағри алвон лолақизғалдоқ,
Сенга тошлар отди қай гумроҳ?
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?

Зор йиғладинг бунчалар ҳайҳот,
Менда ҳам бор сендаги сайёд.
Эй беозор, эй мўмин жонзот,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?

Бу дунёнинг нокаслари бор,
Эзгуликни кўролмайдилар,
Мени ҳам қон қилдилар улар,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Лабим билан яранг силайман,
Сенга дарди шифо тилайман.
Кел, туғишган оғанг бўлай ман,
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?!

* * *

Кечагина қишлоқдаги қизлар бари
Менга сирли қошлар қоқиб қарашарди.
Қарашмаса, уйларига тунда келиб
Тошлар отиб қочар эдим, ярашарди.

Сахаргача атрофида айланишиб,
Дилхун уйга қайтар эдим, билишарди.
«Кимни кутиб турибди бу йигитча», деб
Девор оша мўралашиб кулишарди.

Бугун эса бўз йигитман, бўзлаганим —
Болалигим олисларда қолиб кетди.
Бир қишлоқ қиз орасидан танлаганим —
Бармоғига тилла узук солиб кетди...

Қизлар энди девор оша мўралашиб,
«Кимни кутиб турибсан», деб сўрашмайди.
Кетолмайман бир ҳовлига ўралашиб,
Тошлар отиб қочай десам, ярашмайди...

ЖИЙДА ТАГИДА

Сой бўйи. Тун. Куз.
Бир йигит, бир қиз.
Шивир-шивирлар
Жийда тагида.

Таҳораткаш чол.
Уйга қайтди лол.
Дилда санчиқлар
Жийда тагида...

— Қайдасан, кампир?
Адо бўлдинг, тур!..

Номусинг йиғлар
Жийда тагида.

Кўр ўзинг ҳам, юр,
Упишаётир,
Уйинг куйгурлар,
Жийда тагида...

Кейин не бўлди?
Кейин ўй бўлди.
Кейин тўй бўлди.
Қолмади сирлар
Жийда тагида.

* * *

Елгон ёмон дерлар,
Хушомад ёмон.
Ёмонликнинг бари ёмондир, бироқ,
Менимча дунёда энг катта гуноҳ —
Соғинмай яшамоқ...

Тилга келганини айтаверамиз.
Суриштирмай ростдир-ёлгондир, бироқ,
Менимча дунёда энг катта гуноҳ —
Қари қиз ҳақида гийбат тўқимоқ.

Ким бу шеърим ўқиб ошкора кулса,
Бечоралар ичра бечора билса..
Менимча дунёда энг оғир гуноҳ —
Ҳиринглаб шеър ўқимоқ!

Х А Ё Л

Хаёл қандай яхши.
Акангга ўхшар.
Ўйнатар елкага кўтариб олиб.
Бу парвоз сўнггида йиғлашинг мумкин,
Соғинган онангнинг олдида қолиб...

Хаёл қандай яхши,
Хаёл қандай соз.

Қўшиқлар сочади босган изингга.
Бир кечада бориб айтишинг мумкин,
Изҳори дилингни суйган қизингга.

Беғубор болалик юлдуздай олис,
Аммо хаёл учун у ҳам бир қадам:
Тарсиллаб қовунлар ёрилган полиз,
Сен ёлғиз ётибсан остида бодом...

Гуллари тўкилар ўша бодомнинг,
Капалакдай келиб юзингга қўнар.
Хаёл ҳам туғишган укаси одамнинг —
Қаёққа юборсанг гинг демай жўнар.

Кўксингда хаёлинг турса йиғилиб,
Қуёшни уйғотиб келса бўлади...
Шоирларнинг бари ерда туғилиб,
Осмону фалакда ўлади.

* * *

Ой юзидан нур ёғди сим-сим,
Юр муҳаббат, кетдик бу ердан.
Ширин тушлар кўрсин севгилим,
Юр муҳаббат, кетдик бу ердан...

Биз кетсак ер кенгайиб қолар,
Осмонлар ҳам энкайиб қолар,
Бир қоракўз жилмайиб қолар,
Юр муҳаббат, кетдик бу ердан...

На қилдим, эй юзлари зебо,
Айбим на деб сўрама асло.
Бу дунё шундайин бевафо,
Юр муҳаббат, кетдик бу ердан...

Севги дилда яшнаган чечак,
У биз билан қайда яшасак,
Не қипти бир қизга ёқмасак?..
Юр, Муҳаммад, кетдик бу ердан!

НАЗМ ГУЛШАНИ

Литературно-художественное издание

Муҳаммад Юсуф
ЛЮБИМАЯ В СЕРДЦЕ МОЕМ

С т и х и

Художник *Х. Худойбердиев*

на узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

Муҳаммад Юсуф
КЎНГЛИМДА БИР ЕР


Ш е ъ р л а р

Муҳаррир *Ф. Камолова*. Расмлар муҳаррири *А. Мамажонов*. Техн. муҳаррир
У. Ким. Мусахҳиҳ *М. Хўжаева*

ИБ № 67

Босмахонага 19.06.91 да берилди. Босишга 19.07.91 да рухсат этилди. Бичими
84×108¹/₃₂. Рузнома қоғози. Мактаб гарнитурa. Юқори босма. Шартли босма табоғи 1,68.
Шартли кр. оттиск 1,89. Нашр табоғи 1,42. 100000 нусха. Вуьуртма 99. Шартнома 23-91.
Баҳоси 1 с.

«Езувчи» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Ўзбекистон ШЖ
Давлат Матбуот Қўмитаси Янгийўл китоб фабрикаси. 702801. Янгийўл шаҳри,
Самарқанд кўчаси, 44.



ЎЗУВЧИ